

**ТОШКЕНТ ИННОВАЦИОН КИМЁВИЙ ТЕХНОЛОГИЯ ИЛМИЙ-
ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
PhD.23/30.07.2022.К/Т. 150.01. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚАРШИ МУҲАНДИСЛИК – ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ

ҚЎЙБОҚАРОВ ОЙБЕК ЭРГАШОВИЧ

**МАҲАЛЛИЙ ХОМ АШЁЛАР АСОСИДА СИНТЕЗ-ГАЗДАН ЮҚОРИ
МОЛЕКУЛЯР УГЛЕВОДОРОДЛАР ОЛИШ УЧУН КАТАЛИЗАТОР
ТАНЛАШ ВА ТЕХНОЛОГИЯСИ**

02.00.14-“Органик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси”

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2023

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Қўйбоқаров Ойбек Эргашович

Маҳаллий хом ашёлар асосида синтез-газдан юқори молекуляр углеводородлар олиш учун катализатор танлаш ва технологияси..... 3

Куйбоқаров Ойбек Эргашович

Выбор катализатора и технология получения высокомолекулярных углеводородов из синтез-газа на основе местного сырья..... 19

Kuybokarov Oybek

Catalyst selection and technology for obtaining high molecular hydrocarbons from synthesis gas based on local raw materials 37

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 41

**ТОШКЕНТ ИННОВАЦИОН КИМЁВИЙ ТЕХНОЛОГИЯ ИLMИЙ-
ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
PhD.23/30.07.2022.К/Т. 150.01. РАҚАМЛИ ИLMИЙ КЕНГАШ**

ҚАРШИ МУҲАНДИСЛИК – ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ

ҚЎЙБОҚАРОВ ОЙБЕК ЭРГАШОВИЧ

**МАҲАЛЛИЙ ХОМ АШЁЛАР АСОСИДА СИНТЕЗ-ГАЗДАН ЮҚОРИ
МОЛЕКУЛЯР УГЛЕВОДОРОДЛАР ОЛИШ УЧУН КАТАЛИЗАТОР
ТАНЛАШ ВА ТЕХНОЛОГИЯСИ**

02.00.14-“Органик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси”

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2023

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори(PhD)диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2022.4.PhD/Т1922рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Қарши муҳандислик-иктисодиёт институтида бажарилган.
Диссертация автореферати учта тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (<https://tik-titi.uz>) ва «ZiyoNet» ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Файзуллаев Нормурод Ибодуллаевич техника фанлари доктори
Расмий оппонентлар:	Муродов Музаффар Муродович техника фанлари доктори Эшқурбонов Фуркат Бозорович кимёфанлари доктори, доцент
Етакчи ташкилот:	Навоний давлат кончилиқ ва технологиялар университети

Диссертация химояси Тошкент инновацион кимёвий технология илмий тадқиқот институти ҳузуридаги PhD.23/30.07.2022.К/Т. 150.01 рақамли Илмий кенгашнинг «18» 02 2023 йил соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил:100104, Тошкент шаҳар, Бешқўрғон кўчаси, 10 уй. Тел.: (99890)317-72-77, факс:(99895)515-77-71 , e-mail:tiktitim@gmail.com)

Диссертацияси билан Тошкент инновацион кимёвий технология илмий тадқиқот институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ 2 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил:100104, Тошкент шаҳар, Бешқўрғон кўчаси, 10 уй. Тел.: (99890)317-72-77, факс:(99895)515-77-71 , e-mail:tiktitim@gmail.com)

Диссертация автореферати 2023 йил « 2 » 02 куни тарқатилган.
(2023 йил « 2 » 02 даги № 2 рақамли реестр баённомаси).



С.Машарипов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, к.ф.д., проф.

Н.Ф.Юсунова
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш котиби, т.ф.н., доц.

А.С.Сидиков
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги
илмий семинар раиси, к.ф.д., проф.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD)диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда бугунги кунда нефтга альтернатив бўлган таркибида углерод тутган манбаалардан мотор ёқилғисини олиш усулларида энг истиқболли усулларида бири GTL технологияси ҳисобланади. Синтетик ёқилғилар нефть маҳсулотларидан фарқ қилиб уларнинг таркибида бир ва кўп ҳалқали ароматик бирикмалар, шунингдек олтингурут ва азот атомларини сақлаган органик бирикмалар бўлмайди ва экологик жиҳатдан тоза бўлиб, юқори даражада сифатли истеъмолга яроқли ёқилғи ҳисобланади. Табиатда синтетик ёқилғининг хом ашё базаси кенг тарқалган бўлиб, улар асосида юқори молекуляр синтетик, пентандан нонадекангача бўлган углеводородлар ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга.

Жаҳонда ис газини ва водород аралашмасидан юқори молекуляр углеводородлар синтези ва шунга ўхшаш технологиялар-нефтни ўрнини босадиган альтернатив усуллар ҳисобланади, газларни кимёвий қайта ишлаш учун цеолитли катализаторлар олиш бўйича қуйидаги илмий ечимларни асослаш, жумладан: маҳаллий хом ашёлар асосида микроговакли фаоллаштирилган цеолитли катализаторларни танлаш, уларнинг текстур ва структур хоссаларини яхшилаш ҳамда фаоллаштирилган цеолитли катализаторлар асосида синтез-газдан юқори молекуляр синтетик, пентандан нонадекангача бўлган углеводородлар олиш жараёнининг муқобил ҳарорат режимини аниқлаш; маҳсулотлар унумининг танланган катализаторларнинг табиати, таркиби, синтез-газдан юқори молекуляр синтетик, пентандан нонадекангача бўлган углеводородлар олиш учун катализаторларни тайёрлаш усули ва реакцияни ўтказиш шароитига боғлиқлик қонуниятларини илмий асослаш ва синтез газидан юқори молекуляр синтетик, пентандан нонадекангача бўлган углеводородлар олиш технологиясини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда нефть ва газ саноатларини модернизация қилиш, ишлаб чиқариш корхоналарининг янги материаллар асосида экспертбоп хом ашё базасини маҳаллийлаштириш, улар асосида юқори молекуляр синтетик, пентандан нонадекангача бўлган углеводородлар олиш ва уларни органик кимё саноатининг турли соҳаларида қўллаш борасида илмий ва амалий натижаларга эришилмоқда. Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида, «Саноатни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, маҳаллий хом ашё манбаларини тўлиқ қайта ишлаш, тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни жадаллаштириш, янги турдаги маҳсулотлар ва технологияларни ўзлаштириш¹» бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада, маҳаллий хом ашёлардан олинган синтез-газдан, яъни ис газини билан водороддан иборат аралашмадан юқори молекуляр синтетик, пентандан нонадекангача бўлган углеводородлар олиш учун катализаторлар иштирокида нефть йўлдош газларини каталитик ароматлаб ароматик углеводородлар олиш муҳим аҳамият касб этади.

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, 28.01.2022 йилдаги ПФ-60-сонли «2022 - 2026 йилларга мўлжалланган янги ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси» тўғрисидаги Фармони

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «Янги Ўзбекистонни янада ривожлантириш бўйича тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021-йил 13 февралдаги ПҚ-4992-сон «Кимё саноати корхоналарини янада ислоҳ қилиш ва молиявий соғломлаштириш, юқори қўшилган қийматли кимёвий маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, ҳамда 2018 йил 25 октябрдаги ПҚ-3983-сон «Ўзбекистон Республикасида кимё саноатини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2019 йил 3 апрелдаги ПҚ-4265-сон «Кимё саноатини янада ислоҳ қилиш ва инвестицион жозибадорлигини ошириш тўғрисида»ги, 2019 йил 1 майдаги ПҚ-4302-сон «Саноат коорпорациясини янада ривожлантириш ва талаб юқори бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2019 йил 23 майдаги ПҚ-4335-сон «Қурилиш материаллари саноатини жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти натижалари муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот фан ва технологияларни ривожлантиришнинг «Кимёвий технологиялар ва нанотехнологиялар» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Синтез газидан юқори молекуляр алканлар олиш технологияларини яратиш бўйича С.А. Алхимов, Д.А. Григорьев, М.Н. Михайлов, А.Л. Лapidус, А.Ю. Крылова, Я.В. Михайлова, Л.В. Синёва, А.Б. Ерофеев, С.И. Сулима, В.Г. Бакун, Р.Е. Яковенко, Н.П. Шабельская, А.Н. Салиев, Г.Б. Нарочный, А.П. Савостьянов, Е.В. Сливинский, А.Е. Кузьмин, А.В. Абрамова, Г.А. Клигер, С.М. Локтев, Yao M., Yao N., Shao Y., Han Q., Ma C., Yuan C., Li C., Li X, Jacobs G., Das T.K., Zhang Y., Li J., Racouillet G., Davis B.H, Zhong, L.; Yu, F.; An, Y.; Zhao, Y.; Sun, Y.; Li, Z.; Lin, T.; Lin, Y.; Qi, X.; Dai, Y.; Gu, L.; Hu, J.; Jin, S.; Shen, Q.; Wang, H, Jiao, F.; Pan, X.; Gong, K.; Chen, Y.; Li, G.; Bao, X, Lin, T.; Qi, X.; Wang, X.; Xia, L.; Wang, C.; Yu, F.; Wang, H.; Li, S.; Zhong, L.; Sun, Y, М.П. Юнусов, С.М. Туробжонов, Н.И. Файзуллаев ва бошқалар илмий-тадқиқот ишларини олиб боришган.

Улар томонидан синтез газни қимматбаҳо суяқ маҳсулотларга айланттириш, юқори молекуляр синтетик, пентандан наонадекангача бўлган углеводородлар олиш реакциялари учун синтез-газдан, синтетик, углеводородлар олиш учун катализаторларни олдиндан тайёрлаш шароитлари ва газсимон углеводородларни конверсиялаш жараёни шароитларига боғлиқлиги ўрганиб чиқилган.

Синтез-газдан юқори молекуляр синтетик, пентандан наонадекангача бўлган углеводородлар олиш жараёни бўйича кўплаб тадқиқотлар олиб борилганлигига қарамаздан, юқори унумдорлик ва селективликка эга бўлган, барқарорлиги юқори, турғун, мустаҳкам, арзон ва фаол, коксланишни камайтирадиган катализаторлар яратилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаларининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг «Табиий ва синтетик материалларни синтез қилиш, текшириш ва қайта ишлашнинг янги усуллари қисми ваушбу университетнинг-А12-46 «Маҳаллий хом ашёлар асосида метанни оксиконденсатлаш реакцияси учун катализаторлар яратиш, тадқиқ этиш ва жараёни мақбуллаштириш» (2017-2018 йй.)мавзусидаги амалий лойиҳаси ҳамда Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институтининг 09.02.2017 йилдаги №5-сонли “Юқори молекулали бирикмалар ва ноорганик моддалар ишлаб чиқаришда маҳаллий хом ашёлардан фойдаланиш технологиялари ва уларни тадқиқ этиш” мавзусидаги лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади: маҳаллий хомашёлар асосидасинтез-газдан юқори молекуляр синтетик, пентандан наонадекангача бўлган углеводородлар олиш технологиясини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

маҳаллий хомашё асосида синтез-газдан юқори молекуляр синтетик, пентандан наонадекангача бўлган углеводородлар олиш реакциясиучун юқори кремнийли цеолит (ЮКЦ) лар синтези ва уларнинг тузилишини физик-кимёвий жиҳатдан тадқиқ қилиш;

синтез-газдан юқори молекуляр синтетик, пентандан наонадекангача бўлган углеводородлар олиш учун катализаторлар олиш ва уларнинг фаоллигини физик-кимёвий (термик, рентгеноструктуравий, электрон-микроскопик, хроматографик таҳлил ва ИҚ-спектроскопия) усулларда ўрганиш;

олинган синтез-газдан, яъни ис гази билан водороддан иборат аралашмадан юқори молекуляр синтетик, пентандан наонадекангача бўлган углеводородлар олиш учун катализаторларнинг текстураси ва физик-кимёвий характеристикаларини аниқлаш ва уларни синтез-газдан юқори молекуляр синтетик, пентандан наонадекангача бўлган углеводородлар олиш жараёнига тадбиқ этиш;

тадқиқот учун танлаб олинган синтез-газдан юқори молекуляр синтетик, пентандан наонадекангача бўлган углеводородлар олиш учун катализаторларда синтез-газдан юқори молекуляр синтетик, пентандан наонадекангача бўлган углеводородлар олиш жараёнининг физик-кимёвий асосларини ўрганиш ва мақбул шароитни танлаш;

синтез-газдан юқори молекуляр синтетик, пентандан наонадекангача бўлган углеводородлар олиш учун танланган катализаторни қўллаб, синтез-газдан юқори молекуляр синтетик, пентандан наонадекангача бўлган углеводородлар олишнинг илмий асосларини ва такомиллаштирилган технологиясини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнингобъекти Навбахор тумани бентонити асосида синтез-газданюқори молекуляр синтетик, пентандан наонадекангача бўлган углеводородлар олиш учун катализаторлар олиш.

Тадқиқотнинг предмети синтез-газдан юқори молекуляр синтетик, пентандан наонадекангача бўлган углеводородлар олишжараёни учун

катализаторлар ишлаб чиқиш ва олинган катализаторларнинг таркиби, тузилиши, физик-кимёвий хоссаларини ўрганиш ҳамда юқори молекуляр синтетик, пентандан нонадекангача бўлган углеводородлар олиш технологиясини ишлаб чиқиш ташкил этган.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда физикавий, кимёвий, физик-кимёвий (рентгеноструктуравий, электрон-микроскопик, хроматографик таҳлил ва ИҚ-спектроскопия) ҳамда олинган тажриба натижаларини статистик қайта ишлашнинг математик усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагиларданиборат:

маҳаллий хом ашёлардан турли таркибли катализаторлар олинган ва уларнинг тузилиши, фаол марказларининг табиати аниқланган;

танланган турли таркибдаги юқори унумдорлик ва селективликка эга бўлган синтез-газдан юқори молекуляр синтетик, пентандан нонадекангача бўлган углеводородлар олиш учун катализаторларнинг каталитик фаоллиги ҳамда катализаторларнинг текстуравий ва физик-кимёвий характеристикалари орасидаги боғлиқлиги аниқланган;

синтез-газдан юқори молекуляр синтетик, пентандан нонадекангача бўлган углеводородлар олиш реакциясида турли таркибда ва турли усулларда олинган цеолитли катализаторларнинг юқори молекуляр синтетик углеводородлар олиш реакциясининг бориш қонуниятлари асосида каталитик тизимларнинг мақбул таркиби аниқланган;

илк бор олинган $15\% \text{Co}-15\% \text{Fe}-5\% \text{Ni}-1\% \text{ZrO}_2/\text{ЮКЦ}$ таркибли синтез-газдан юқори молекуляр синтетик, пентандан нонадекангача бўлган углеводородлар олиш учун танланган катализаторни қўллаб синтез-газдан юқори молекуляр синтетик углеводородлар олишда босим 0.5 дан 2.0 МПа гача кўтарилганда унум 28 дан 41 г/м³ гача, унумдорлик 55 дан 89 кг С₅₊/м³соат гача ортиши аниқланган;

танланган юқори унумдорлик ва селективликка эга бўлган $15\% \text{Co}-15\% \text{Fe}-5\% \text{Ni}-1\% \text{ZrO}_2/\text{ЮКЦ}$ таркибли синтез-газдан юқори молекуляр синтетик углеводородлар олиш учун танланган катализаторнинг стабиллиги юқорилиги, яъни коксланиш даражаси пастлиги аниқланган;

маҳаллий хом ашёлар асосида яратилган катализатордан фойдаланиб синтез-газдан юқори молекуляр синтетик углеводородлар олиш учун танланган катализаторни қўллаб, синтез-газдан юқори молекуляр синтетик, пентандан нонадекангача бўлган углеводородлар олиш жараёнининг технологияси ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

Синтез-газдан юқори молекуляр синтетик, пентандан нонадекангача бўлган углеводородлар олиш жараёни учун янги таркибдаги юқори унумдорлик ва селективликка эга бўлган катализаторлар яратилган ҳамда танланган катализатор иштирокидаги реакция тезлигига турли омилларнинг таъсири ва реакциянинг кинетик қонуниятлари асосида жараён боришининг мақбул шароити танланган;

маҳсулот унуми бўйича реакциялар боришининг мақбул шароитлари аниқланиб, жараённинг энергия ва ресурс тежамкор, кам чиқиндилисиз технологияси ишлаб яратилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Синтез қилинган моддаларни таркиби, тузилиши ва хоссалари газ суюқлик хроматографияси, ИҚ-спектроскопия, элемент анализ, рентгенографик ва дериватографик таҳлил усулларида аниқланганлиги, тадқиқот усулларида ишлатилган асбоб-ускуналарнинг замонавийлиги ҳамда назарий ва экспериментал натижаларнинг ишлаб чиқариш амалиётига мослиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти синтез-газдан юқори молекуляр синтетик, пентандан наонадекангача бўлган углеводородлар олиш реакциялари учун 15%Co-15%Fe-5%Ni-1%ZrO₂/ЮКЦ таркибдаги юқори унумдорлик ва селективликка эга бўлган ва стабиллиги юқори бўлган катализатор яратилганлиги, унинг кислотали хоссалари, ғоваклиги, сирт юзаси, фаол марказларининг тузилиши ва жараёнларнинг кинетик қонуниятлари ўрганилганлиги ҳамда пентандан наонадекангача бўлган углеводородлар олиш жараёнининг технологик схемаси яратилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти маҳаллий хом ашёлар асосида олинган синтез-газдан, яъни ис гази билан водороддан иборат аралашмадан юқори молекуляр синтетик углеводородлар олиш учун катализаторларни қўллаб синтез-газдан юқори молекуляр синтетик, углеводородлар олиш жараёнининг технологик схемаси ишлаб чиқилганлиги натижасида органик синтез учун муҳим бўлган юқори молекуляр синтетик, пентандан наонадекангача бўлган углеводородлар олиш имкониятини оширишга, синтез-газдан унумли фойдаланишга ва экологик муаммоларнинг маълум даражада ечим топишига, энергетик, иқтисодий, экологик ва табиий хом ашё сарфлари тежалишига хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Маҳаллий хом ашёлар асосида пентандан наонадекангача бўлган углеводородлар олиш технологиясини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Маҳаллий хом ашёлар асосида олинган 15%Co-15%Fe-5%Ni-1%ZrO₂/ЮКЦ таркибли катализатор «Муборак газни қайта ишлаш заводи» АЖда ишлаб чиқаришга жорий этилган («Муборак газни қайта ишлаш заводи»нинг 2022 йил 07 ноябрдаги 923/G'К-11-сон маълумотномаси). Натижада янги таркибли катализаториштирокида пентандан наонадекангача бўлган углеводородлар олиш имконини берган;

синтез-газдан юқори молекуляр синтетик, пентандан наонадекангача бўлган углеводородлар олиш учун танланган 15%Co-15%Fe-5%Ni-1%ZrO₂/ЮКЦ, таркибли катализатор асосида углеводородлар олиш технологияси Муборак газни қайта ишлаш заводи амалиётга жорий этилган («Муборак газни қайта ишлаш заводи»нинг 2022 йил 07 ноябрдаги 923/G'К-11-сон маълумотномаси). Натижада 15%Co-15%Fe-5%Ni-1%ZrO₂/ЮКЦ таркибли катализатор ёрдамида синтез-газдан пентандан наонадекангача бўлган углеводородлар олиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари маъруза кўринишида 3 та халқаро ва 1 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 11 та илмий иш чоп этилган. Халқаро илмий нашрларда 3 та илмий мақола. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари (PhD) асосий илмий натижаларни чоп этиш учун тавсия этилган 4 та мақола, жумладан 2 та республика ва 2 та хорижий журналларда илмий мақола нашр қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўрт боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 114 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «Синтез-газдан юқори молекуляр синтетик углеводородлар ишлаб чиқарининг ҳозирги ҳолати ва истиқболлари» деб номланган биринчи бобида мавзу бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари, хорижий ва маҳаллий адабиётлар таҳлили батафсил ёритилган.

Диссертациянинг «Ис гази ва водороддан юқори молекуляр синтетик, пентандан нонадекангача бўлган углеводородлар олиш методикаси, тадқиқот объекти ва усуллари» деб номланган иккинчи бобида метанни каталитик юқори молекуляр углеводородлар олиш реакциясининг кинетик қонуниятларини ўрганишнинг тажриба қурилмаси, тажрибани ўтказиш ва реакция маҳсулотларини таҳлил қилиш методикаси ёритилган. Катализатор синтези бўйича тадқиқотлар берилган. Катализаторнинг характеристикалари физик-кимёвий ва текстур характеристикалари ўрганилган. Реакция маҳсулотлари унуми ва таркиби газ-суюқлик хроматографияси усулида аниқланган.

Диссертациянинг «Тажриба натижалари ва уларнинг муҳокамаси» деб номланган учинчи бобидажараёнларнинг кинетик қонуниятлари ўрганилган ва кинетик моделлар ишлаб чиқилган.


Синовлар қуйидаги мақбул шароитда ўтказилди: босим 0.1 МПа, ҳажмий тезлик 0,01 м³/соат. Натижалар 3 та юттиришда тайёрланган намуна кўрсаткичлари билан солиштирилди.

1-расмда кўриниб турганидек, бутун ҳарорат интервалида 3 марта юттиришда тайёрланган намуна анча фаол бўлган – ундаги ис гази конверсияси бошқа иккита намуналарга нисбатан 5-10% юқори бўлган. 1 ва 2 марта юттиришда тайёрланган намуналар бу ҳолатда ўзаро деярли фарқланмаган.


Учала намуна учун метан унумининг ҳароратга боғлиқликлари 2-расмда кўрсатилган. Паст ҳароратлар оралиғида метан ҳосил бўлиши барча учта намуна учун деярли фарқ қилмаган. Шундай қилиб метаннинг унуми ўтказиб юборилган газнинг 160°Сда 1 г/м³, 180°С да 5-6 г/м³ ни ташкил қилди. Фақат синтез-газдан, юқори молекуляр суюқ синтетик углеводородлар олишнинг 200°С ҳароратида 1 та юттиришда тайёрланган намунадаги метан ҳосил бўлиши жиддий равишда қолган намуналардан фарқ қилган: унда метаннинг унуми 20-22 г/м³ га нисбатан 30 г/м³ ни ташкил этди.

Этан, пропан, бутан ва этилен, пропен, бутенлар унуми синтез-газдан юқори молекуляр суюқ синтетик углеводородлар олиш учун танланган катализаторнинг барча учта намуналари учун деярли фарқ қилмаган. 160°С да этан, пропан, бутан ва этилен, пропен, бутенлар чиқаётган газда қолдиқ микдорларда аниқланган. Ҳарорат кўтарилган сари унум аста-секин ошган ва 200°С да 10-13 г/м³ ни ташкил қилган (3-расм).


Синтез-газдан юқори молекуляр суюқ синтетик углеводородлар олишда жараён унумининг ҳароратга боғлиқлиги 4-расмда келтирилган. Экспериментал тадқиқотлар натижасида аниқланишича, ис газни ва водороддан юқори молекуляр суюқ синтетик углеводородлар олишда ҳарорат кўтарилган сари суюқ синтетик углеводородлар унуми ошди ва 190°С да максимумга етди. Оптимал ҳароратда суюқ синтетик углеводородлар унуми 1,2 ва 3 марта юттиришда тайёрланган синтез-газдан, юқори молекуляр суюқ синтетик углеводородлар олиш учун танланган катализаторларда ўтказиб юборилган газнинг 136, 140, 145 г/м³ ни ташкил қилди.




1-расм. Ис газни конверсиясининг ҳароратга боғлиқлиги



2-расм. Метан унумининг ҳароратга боғлиқлиги



3-расм. Этан, пропан, бутан ва этилен, пропен, бутенларунумининг хароратга боғлиқлиги



4-расм. Суяқ синтетик углеводородлар унумининг хароратга боғлиқлиги

Ис гази ва водороддан юқори молекуляр суяқ синтетик углеводородлар олишда метан ҳосил бўлишига нисбатан селективлик деярли ўзгаришсиз, 6-7% даражасида қолган (1-жадвал).

Юттириш сони қисқарганда катализатдаги ҳосил бўлган изотўйинган углеводородлар таркиби деярли икки барабар ортади ва битта юттиришга тайёрланган намунада 33 % га етади (2-жадвал, 1-расм). Шу вақтнинг ўзида синтез-газдан юқори молекуляр суяқ синтетик углеводородлар олиш учун танланган катализаторнинг функциясида ўзгаришлар содир бўлмайди.

1-жадвал

15%Co-15%Fe-5%Ni-1%ZrO₂/ЮКЦ синтез-газдан юқори молекуляр суяқ синтетик углеводородлар олиш учун танланган катализаторни синтез кўрсаткичига таъсири


Юттириш-лар сони	T _{оп} °C	CO конверсия си	Унум, г/м ³		C ₅ ва ундан юқори углеводородлар			
			CH ₄	C ₂ -C ₄	C ₅₊	CO ₂		
1 марта	190	74	14	10	139	16	8	86
2 марта	190	75	12	9	141	14	7	87
3 марта	190	81	11	9	147	13	6	88

2-жадвал

15%Co-15%Fe-5%Ni-1%ZrO₂/ЮКЦ синтез-газдан юқори молекуляр суяқ синтетик углеводородлар олиш учун танланган катализаторни углеводород таркибига таъсири


Юттиришлар сони	Суяқ синтетик углеводородлар таркиби, %			Тўйинган углеводородлар таркиби, %		C ₅₊
	олефин	n-алкан	i-алкан	C ₅ —C ₁₀	C ₁₁ -C ₁₈	C ₁₉₊
1 марта	9	60	35	64	36	8
2 марта	9	64	31	59	35	11
3 марта	9	76	19	42	44	19

Тайёрлаш тартибини соддалаштириш синтез-газдан юқори молекуляр суяқ синтетик углеводородлар олиш учун танланган катализатор фаоллиги, мақсадли суяқ синтетик углеводородлар унуми ва уларнинг ҳосил бўлиш селективлигини бир оз пасайтиради. Углеводородларнинг ўртача молекуляр массаси ҳам пасаяди. Метан ҳосил бўлиш селективлиги ўзгаришсиз қолади. Юттиришлар сонини қисқартириш 15%Co-15%Fe-5%Ni-1%ZrO₂/ЮКЦ синтез-газдан юқори молекуляр суяқ синтетик углеводородлар олиш учун танланган катализаторни изомер қобилятини, унинг сирти кислоталилигида ўзгаришлар йўқлигига қарамасдан, оширади.




5-расм. СО нинг юқори суяқ синтетик углеводородларга конверсиясининг ҳароратга боғлиқлиги

5-расмда ис газни конверсиясининг синтез ҳароратига боғлиқлиги кўрсатилган. Ҳарорат кўтарилган сари синтез-газдан юқори молекуляр суяқ синтетик углеводородлар олиш учун танланган катализаторлар фаоллиги ошган, бу ис газни конверсияси 160°C да 5-25 % дан ва 220°C да 90-100% гача ошганилигидан кўриниб турибди. Катализаторнинг фаоллигини оширувчи модда миқдори синтез-газдан юқори молекуляр суяқ синтетик углеводородлар олиш учун танланган катализатор фаоллигига таъсир кўрсатади. Таркибида 1% ZrO₂ ва 5%Ni бўлган намуна анча фаол бўлган. Ундан кейинги иккита намунада эса синтез-газдан юқори молекуляр суяқ синтетик углеводородлар олиш учун танланган катализаторлардагига нисбатан конверсияга 20% га юқори эришилган. Таркибида ZrO₂ ва 5% бўлган намуналар фаолликнинг яқин даражасини намоён қилди.




6-расм. СО нинг юқори суюқ синтетик углеводородларга конверсиясида метан унумининг ҳароратга боғлиқлиги

Энг юқори метан ҳосил бўлиши 15%Co-15%Fe-5%Ni-1%ZrO₂/ЮКЦ синтез-газдан юқори молекуляр суюқ синтетик углеводородлар олиш учун танланган катализаторда кузатилиб, 200°C да 30 г/м³ ни ташкил қилди. Ўтказилган экспериментал тадқиқотлар натижасида таркибида 2 ва 0.5% ZrO₂ бўлган катализатор намуналарда метан унуми 21 ва 17 г/м³ ни ташкил этиши кузатилди. Ҳарорат кўтарилган сари метаннинг ҳосил бўлиш унуми кескин ошиши билан бирга намуналарнинг каталитик фаоллиги метан ҳосил бўлишига нисбатан сақланиб қолган. 220°C да ис гази ва водороддан синтетик пентандан нонадекангача бўлган углеводородлар синтезида метан унуми таркибида 1, 3 ва 5% ZrO₂ бўлган намуналар учун 89.4, 98.2, ва 74 г/м³ ни ташкил қилди (6-расм).



7-расм. Ис гази ва водороддан юқори суюқ синтетик углеводородлар синтезида C₂-C₄ унумининг ҳароратга боғлиқлиги



8-расм. Сууюқ синтетик углеводородлар унумининг хароратга боғлиқлиги

Этан, пропан, бутан ва этилен, пропен, бутенлар углеводородлар унуми ҳам синтез-газдан юқори молекуляр сууюқ синтетик углеводородлар олишининг харорати кўтарилган сари ошган ва 200°Cда 15%Co-15%Fe-5%Ni-1%ZrO₂/ЮКЦ, 15%Co-15%Fe-3%Ni-2%ZrO₂/ЮКЦ ва 15%Co-15%Fe-5%Ni-0.5%ZrO₂/ЮКЦнамуналарда 14, 19 ва 20 г/м³ га етди. Таркибида 1%ZrO₂ ва 5%Ni бўлган энг фаол намуна этан-бутан аралашмасининг энг кичик миқдори ҳосил бўлишини таъминлади (7-расм). 15%Co-15%Fe-5%Ni-1%ZrO₂/ЮКЦэнг фаол контакт синтез-газданюқори молекуляр сууюқ синтетик углеводородлар олишининг оптимал харорати (190°C)да ўтказиб юборилган газнинг 136 г/м³ унумини таъминлади. Иккита бошқа синтез-газдан, яъни ис гази билан водороддан иборат аралашмадан юқори молекуляр сууюқ синтетик углеводородлар олиш учун танланган катализатор учун оптимал харорат юқорироқ, 200°C эди. Бу ҳолда сууюқ синтетик углеводородлар унуми ўтказиб юборилган газнинг 99-103 г/м³ га етди (8-расм).

3-жадвал

Катализатор(15%Co-15%Fe-5%Ni-1%ZrO₂/ЮКЦ)фаоллигини оширувчи модда таркибини синтез-газдан, юқори молекуляр сууюқ синтетик углеводородлар олиш кўрсаткичларига таъсири

Таркиби ZrO ₂ , %	T _{опт} , °C	CO, %	Унум, г/м ³ •соат				CH ₄ %	C ₅₊ %
			CH ₄	C ₂ -C ₄	C ₅₊	CO ₂		
1	200	72	21	20	101	14	15	72
3	190	76	14	9	138	14	8	87
5	200	69	18	21	105	10	13	75

Синтез-газдан юқори молекуляр сууюқ синтетик углеводородлар олиш учун танланган катализаторлар ишлашининг кўрсаткичлари 3ва4-жадвалларда келтирилган. Шундай қилиб,Синтез-газдан юқори молекуляр сууюқ синтетик углеводородлар олиш учун ZrO₂ (3%) ли катализатор оптимал кўрсаткични намоён қилади (85%)

4-жадвал

Катализатор(15%Co-15%Fe-5%Ni-1%ZrO₂/ЮКЦ)фаоллигини оширувчи модда таркибини синтез-газдан, юқори молекуляр суюқ синтетик углеводородлар олиш кўрсаткичларига таъсири

ZrO ₂ , %	олефинлар	н-алканлар	изо-алканлар	C ₅ -C ₁₀	C ₁₁ -C ₁₈	C ₁₉₊
1	10	62	33	67	31	8
3	9	60	36	63	34	9
5	8	54	41	65	32	8

Катализатор иштирокида этилен қатори бирикмаларининг миқдори цирконий оксид таркибидан қатий назар ўзгармас 8.5-9% ни ташкил қилди. Олинган натижалар шуни кўрсатдики 1 ва 3 ZrO₂, ли намуналарда изотузилишли углеводородлар таркиби 31-33% ташкил қилди катализаторнинг фаоллигини оширувчи модда ZrO₂, 5% энг кўп миқдорда бўлган намуна юқори қобилятни 40% намоён қилди. Қаттиқ тўйинган углеводородлар унумига катализатор таркиби унинг фаоллигини оширувчи модда миқдори деярли тасир этмаган (7-8%), бензин гуруҳи углеводородларининг унуми эса 60-65% ни ташкил қилди. (4-жадвал).

Синтез-газдан юқори молекуляр суюқ синтетик углеводородлар олиш учун танланган катализаторда 15%Co-15%Fe-5%Ni-1%ZrO₂/ЮКЦ ис газни ва водороддан юқори молекуляр синтетик, пентандан нонадекангача бўлган углеводородлар синтезига босимнинг таъсири ўрганилди. Ҳароратни 60 дан 190°C гача кўтарган ҳолда босим 0.5-0.6 МПа бўлганда ва ҳажмий тезликнинг 2000-2500 соат⁻¹ қийматида тажриба олиб борилди. Ушбу ҳароратга эришилганда 0.5 МПа дан босим 2.0 МПа гача кўтарилганда C₅₊ углеводородларни чиқиш унуми 82% ни ташкил этди.

Ис газни босими регенерация босқичида синтез-газдан юқори молекуляр суюқ синтетик углеводородлар олишнинг мақсадли маҳсулотлари суюқ синтетик углеводородларнинг фракцион ва гуруҳли таркибига деярли таъсир кўрсатмайди (5-жадвал). Бироқ босим ошганида кўшимча маҳсулотлар оксигенатлар, айниқса этанол кўпроқ ҳосил бўлиши кузатилади.

5-жадвал

Суюқ синтетик углеводородлар таркибига СО босимининг 15%Co-15%Fe-5%Ni-1%ZrO₂/ЮКЦ танланган катализаторни фаоллаштириш босқичи таъсири T_{опт}=190°C, CO+H₂ нинг ўтиш тезлиги 25л/соат

№	Босим атм	Суюқ синтетик углеводородлар				Углеводородлар, %				
		C ₅ -C ₁₀	C ₁₁ -C ₁₈	C ₁₉₊	Olefinlar	[Oxy]	(CH ₃) ₂	CH ₄	C ₂ H ₆	C ₃₊
1	1	79	12	9	47	20	1	2	14	3
2	2	82	15	3	52	20	1	2	13	3
3	5	80	17	3	51	23	1	3	16	3
4	7	83	13	4	46	32	1	3	23	5
5	10	82	13	5	48	26	1	2	20	3

Диссертациянинг «Ис газни билан водороддан иборат аралашмадан танланган катализаторда юқори молекуляр синтетик, пентандан нонадекангача бўлган углеводородлар жараёни технологияси» деб


номланган тўртинчи бобидасинтез-газдан юқори молекуляр углеводородлар ишлаб чиқаришнинг чиқиндисиз технологияси яратилган.

Махсус адсорбентлар ёрдамида сув буғларидан ва олтингугуртли бирикмалардан тозаланган табиий газ Т-1 иссиқлик алмаштиргичда иситилади.

Т-2 иссиқлик алмаштиргичда совутилади; Т-3 иссиқлик алмаштиргичда қиздирилади ва иссиқлик қозони КУ-1 гаюборилади сўнгра ис газни ва водороддан иборат аралашма С-1 сепаратори орқали Т-2 иссиқлик алмаштиргичнинг супер қиздиргичига берилади.

Т-4 иссиқлик алмаштиргичда газлар аралашмаси совутилади ва буғларидан тозалаш учун С-1 сепараторига қайтарилади. Сув буғларидан тозаланган ис газни ва водороддан иборат аралашма Т-5 иссиқлик алмаштиргичда иситилиб юқори молекуляр синтетик, пентандан нонадекангача бўлган углеводородлар олиш учун Р-1 реакторга юборилади.

Р-1 ис газни ва водороддан юқори молекуляр синтетик, пентандан нонадекангача бўлган углеводородлар олиш учун мўлжалланган реакторда ҳосил бўлган реакцион аралашма Т-6 иссиқлик алмаштиргичда совутилиб, С-3 сепараторида пропандан гексадекангача бўлган фракцияларидан ажратилади, сўнгра қолган қолдиқ С-3 сепараторда қолган газ фазаси Т-7 иссиқлик алмаштиргичда совутилади ва С-4 сепараторига киради.



9-расм. Ис газни билан водороддан иборат аралашмадан танланган катализаторлар иштирокида юқори молекуляр синтетик, пентандан нонадекангача бўлган углеводородлар олиш жараёнининг технологик схемаси

Т-1 иссиқлик алмаштиргич; Т-2 иссиқлик алмаштиргич; Т-3 иссиқлик алмаштиргич; П-1 печь; КУ-1 иссиқлик қозони; С-1 сепаратори; Т-4 иссиқлик алмаштиргич; С-2 сепаратори; Т-5 иссиқлик алмаштиргич; Р-1 ис газы ва водороддан юқори молекуляр синтетик, пентандан нонадекангача бўлган углеводородлар олиш учун мўлжалланган реактор; Т-6 иссиқлик алмаштиргич; С-3 сепаратор; К-1 стабилизация устуни; Т-7 иссиқлик алмаштиргич; С-4 сепаратори; Т-8 иссиқликалмаштиргич; Е-1 қайтарувчи идиш; Т-9 иссиқликалмаштиргич; К-2 устуни

Пропандан гексадекангача бўлган фракцияларидан ажратилгандан сўнг қолган қолдиқ таркибидаги метан ва C_2 углевод атомларини сақлаган газлар С-4 сепараторидан умумий ёқилғи тармоғига чиқарилади.

ХУЛОСА

1. Маҳаллий хомашё асосида синтез-газдан юқори молекуляр синтетик, пентандан нонадекангача бўлган углеводородлар олиш реакцияси учун юқори кремнийли цеолит (ЮКЦ) лар синтези ва уларнинг тузилиши физик-кимёвий жиҳатдан тадқиқ қилинди.

2. Олинган турли таркибдаги юқори унумдорлик ва селективликка эга бўлган синтез-газдан юқори молекуляр синтетик, пентандан нонадекангача бўлган углеводородлар олиш учун танланган катализаторларнинг каталитик фаоллиги текстуравий ва физик-кимёвий характеристикалари аниқланди.

3. Синтез-газдан юқори молекуляр синтетик углеводородлар олиш реакциясида турли таркибда ва турли усулларда олинган цеолитли катализаторларнинг реакциянинг бориш қонуниятлари асосида каталитик тизимларнинг мақбул таркиби аниқланди.

4. Илк бор олинган $15\%Co-15\%Fe-5\%Ni-1\%ZrO_2/ЮКЦ$ таркибли катализаторни қўллаб синтез-газдан юқори молекуляр синтетик, пентандан нонадекангача бўлган углеводородлар олишда босим 0.5 дан 2.0 МПа гача кўтарилганда унум 28 дан 41 г/м³ гача, суюқ углеводородлар бўйича унумдорлик ҳам 55 дан 89% $C_{5+}/м^3$ гача ортиши аниқланди.

5. Танланган юқори унумдорлик ва селективликка эга бўлган $15\%Co-15\%Fe-5\%Ni-1\%ZrO_2/ЮКЦ$ таркибли катализаторнинг стабиллиги юқорилиги, яъни коксланиш даражаси пастлиги аниқланди.

6. Маҳаллий хом ашёлар асосида олинган синтез-газдан юқори молекуляр синтетик, пентандан нонадекангача бўлган углеводородлар олиш учун танланган катализаторни қўллаб, юқори молекуляр суюқ углеводородлар олиш жараёнининг технологияси ишлаб чиқилди.

**УЧЁНЫЙ СОВЕТ РнД.23/30.07.2022.К/Т. 150.01 ПРИ ТАШКЕНТСКОМ
ИННОВАЦИОННОМ ХИМИЧЕСКО-ТЕХНОЛОГИЧЕСКОМ
НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКОМ ИНСТИТУТЕ**

КАРШИНСКИЙ ИНЖЕНЕРНО-ЭКОНОМИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ

КУЙБОКАРОВ ОЙБЕК ЭРГАШОВИЧ

**ВЫБОР КАТАЛИЗАТОРА И ТЕХНОЛОГИЯ ПОЛУЧЕНИЯ
ВЫСОКОМОЛЕКУЛЯРНЫХ УГЛЕВОДОРОДОВ ИЗ СИНТЕЗ-ГАЗА
НА ОСНОВЕ МЕСТНОГО СЫРЬЯ**

02.00.14- «Технология органических веществ и материалов на их основе»

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (РнД) ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Тошкент – 2023

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером В2022.4.PhD/T1922.

Диссертация выполнена в Каршинском инженерно-экономическом институте.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (<https://tik-titi.uz>) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель: Файзуллаев Нормурат Ибадуллаевич
доктор технических наук, профессор

Официальные оппоненты: Муродов Музаффар Муродович
доктор технических наук

Эшкурбанов Фуркат Базарович
доктор химических наук, доцент

Ведущая организация: Навоийский государственный горно-технологический университет

Защита диссертации состоится «18» 02 2022 года в 14⁰⁰ часов на заседании Учёного совета PhD.23/30.07.2022.К/Т. 150.01 при Ташкентском инновационном химическо-технологическом научно-исследовательском институте (Адрес: 100104, г. Ташкент, ул. Бешкургон, 10. Тел.: (99890)317-72-77, факс:(99895)515-77-71, e-mail:tikitimm@gmail.com)

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского инновационного химическо-технологического научно-исследовательского института (зарегистрирована за № 1). Адрес: 100104, г. Ташкент, ул. Бешкургон, 10. Тел.: (99890)317-72-77, факс:(99895)515-77-71 , e-mail:tikitimm@gmail.com

Автореферат диссертации разослан « 2 » 02 2023 года.

(протокол реестра рассылки № 2 от « 2 » 02 2023 г.).



С. Манарипов
Председатель Научного совета по присуждению учёных степеней, к.т.н., проф.

Юсупова Н.Ф.
Учёный секретарь Научного совета по присуждению учёных степеней, к.т.н., доц.

Сиддиков А.С.
Заместитель председателя научного семинара при научном совете по присуждению учёной степени, д.т.н., проф.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире на сегодняшний день одним из наиболее перспективных методов получения моторного топлива из углеродосодержащих ресурсов, используемых в качестве альтернативы нефти, является технология GTL. Синтетические топлива, в отличие от нефтепродуктов, не содержат моно- и полициклических ароматических соединений, а также органических соединений, содержащих атомы серы и азота, и являются экологически чистым, качественным, пригодным к потреблению топливом. Сырьевая база синтетического топлива широко распространена в природе, в связи с чем разработка на их основе высокомолекулярных синтетических углеводородов от пентана до нонадекана имеет важную значимость.

На сегодняшний день в мире альтернативными методами, способными заменить нефть, являются синтез высокомолекулярных углеводородов из смеси угарного газа и водорода, а также подобные технологии. Они вносят положительный вклад в мировую энергетическую безопасность и энергоснабжение. При синтезе высокомолекулярных углеводородов из смеси угарного газа и водорода синтез-газ превращается в жидкое углеводородное топливо. При этом особое внимание уделяется обоснованию следующих научных решений по получению цеолитных катализаторов химической переработки газов, в частности: подбор микропористых активированных цеолитных катализаторов на основе местного сырья, улучшение их текстурно-структурных свойств и определение альтернативного температурного режима высокомолекулярных синтетических углеводородов из синтез-газа от пентана до нонадекана на основе активированных цеолитных катализаторов; научное обоснование зависимости выхода продуктов от природы и состава подобранных катализаторов, способа приготовления катализаторов получения высокомолекулярных синтетических углеводородов из синтез-газа от пентана до нонадекана и условий проведения реакции, а также разработка технологии получения высокомолекулярных синтетических углеводородов из синтез-газа, от пентана до нонадекана. В республике достигаются научные и практические результаты в области модернизации нефтегазовой промышленности, локализации экспортно-сырьевой базы производственных предприятий на основе новых материалов, производства высокомолекулярных синтетических углеводородов от пентана до нонадекана и использования их в различных отраслях органической химической промышленности.

В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан поставлены важнейшие задачи, такие как «Повышение промышленности на качественно новый уровень, глубокая переработка местных сырьевых ресурсов, интенсификация производства готовой

продукции, освоение новых видов продукции и технологий»¹. В этом отношении важное значение имеет получение ароматических углеводородов путем каталитической ароматизации попутных газов нефти в присутствии катализаторов для получения высокомолекулярных синтетических углеводородов от пентана до нонадекана из синтез-газа – смеси угарного газа и водорода, полученного из местного сырья.

Данное диссертационное исследование в определенной мере служит реализации задач, поставленных в Указе Президента Республики Узбекистан УП-60 от 28 января 2022 года «О стратегии развития нового Узбекистана», Постановлении Президента Республики Узбекистан, от 13.02.2021 года.ПП-4992 «О мерах по дальнейшему реформированию и финансовому оздоровлению предприятий химической промышленности, развитию производства химической продукции с высокой добавленной стоимостью», ПП-3983 от 25 октября 2018 года «О мерах по ускоренному развитию химической промышленности Республики Узбекистан», ПП-4265 от 3 апреля 2019 года «О мерах по дальнейшему реформированию и повышению инвестиционной привлекательности химической промышленности», ПП-4302 от 1 мая 2019 года «О мерах по дальнейшему развитию промышленной кооперации и расширению производства востребованной продукции», ПП-4335 от 23 мая 2019 года «О дополнительных мерах по ускоренному развитию промышленности строительных материалов», а также других нормативно-правовых актах, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики VII «Химические технологии и нанотехнологии».

Степень изученности проблемы. Научно-исследовательские работы по созданию технологий получения высокомолекулярных алканов из синтез-газа проводились учёными как С.А. Алхимов, Д.А. Григорьев, М.Н. Михайлов, А.Л. Лapidус, А.Ю. Крылова, Я.В. Михайлова, Л.В. Синёва, А.Б. Ерофеев, С.И. Сулима, В.Г. Бакун, Р.Е. Яковенко, Н.П. Шабельская, А.Н. Салиев, Г.Б. Нарочный, А.П. Савостьянов, Е.В.Сливинский, А.Е. Кузьмин, А.В. Абрамова, Г.А. Клигер, С.М. Локтев, Yao M., Yao N., Shao Y., Han Q., Ma C., Yuan C., Li C., Li X, Jacobs G., Das T.K., Zhang Y., Li J., Racoillet G., Davis B.H, Zhong, L.; Yu, F.; An, Y.; Zhao, Y.; Sun, Y.; Li, Z.; Lin, T.; Lin, Y.; Qi, X.; Dai, Y.; Gu, L.; Hu, J.; Jin, S.; Shen, Q.; Wang, H, Jiao, F.; Pan, X.; Gong, K.; Chen, Y.; Li, G.; Bao, X, Lin, T.; Qi, X.; Wang, X.; Xia, L.; Wang, C.; Yu, F.; Wang, H.; Li, S.; Zhong, L.; Sun, Y, М.П. Юнусов, С.М. Туробжонов, Н.И. Файзуллаев.

¹Указ Президента Республики Узбекистан, от 28.01.2022 г. УП-60 «О стратегии развития нового Узбекистана на 2022 - 2026 годы»

